



Ўн олтинчи аср ўзбек адабиётининг энг буюк вакили Захириддин Мухаммад Бобир шарк шеъриятида Низомий, Дехлавий, Лутфий, Навоий анъаналарини давом эттирган санъаткор. Мураккаб ҳаёт йўли каби, унинг дунёкараши ҳам зиддиятли. Бой шеърий адабий-илмий мероси унинг кенг комусий билимидан далолатдир.

Бобир ўзбек классик шеъриятидаги лирик жанрлари катта маҳорат ва жасорат билан ривожлантирган шоир. Хажман унча катта бўлмаган унинг лирик мероси мавзу доираси, шаклий такомил, бадиий мукамаллиги билан ажралиб туради.

Шоир 47 йиллик умри мобайнида каттагина шеърий мажмуа тузди, «Мубайян», «Рисолаи волидия» шеърий рисолалари, жаҳонга шухрати кетган комусий асари «Бобирнома»ни ёзди, «Хатти Бобирий» деб аталмиш янги алифбе тузди; аруз, кофия, мусика ва харб ишига оид китоблар битди. Афсуски, улардан кофия, мусика ва харб ишига оид кўлёзмалари тақдири ҳамон бизга номаълум!

1975 ва 1977 йилларда устоз Хамид Сулаймон бошчи лигида Хиндистонга килинган экспедициялар ўзбек адабиёти тарихининг халигача номаълум тархларини очди Хофиз Хоразмий, Саид Косимий, Фориғий, Дийда, Азфарий каби катор, биз билмаган туркийгўй шоирлар кўл ёзмалари Хиндистон фондларида мавжуд эканлиги аён бўлди. Экспедиция давомида, Бобир ҳаёти ва ижодига оид кўлёзмалар изланиб, диққат билан ўрганилди. Хиндистон кўлёзма фондларида бошқа туркийгўй шоирлар катори, Захириддин Мухаммад Бобир асарлари кўлёзмаларининг янги нусхалари ҳам сақланмоқда экан. Бу янги нусхалар

Бобир ижодини янада чуқурроқ ўрганишда катта имкониятлар яратди. Ваҳоланки, бизга Бобир шеърлар тўпламининг Париж, Рампур ва Туркия кутубхоналарида сақланаётган кўлёзма нусхаларигина маълум бўлиб, ўз навбатида улар ҳам шоир меросини нашр этишда бир-бирларини тўлдирадиган нодир кўлёзмалар эди. Айтиш керакки, мазкур кўлёзма нусхалардаги Бобир шеърлари то хануз тўлик чоп этилмаган. Албатта, Бобирнинг мукамал шеърий меросини тиклашда «Бобирнома», «Аруз рисоласи» каби асарлар аҳамияти ҳам каттадир.

Хайдарободдаги «Саларжанг» музейи фондида Бобир мажмуасининг XVII—XVIII асрларга мансуб икки янги кўлёзма нусхаси сақланаётганлиги маълум бўлди. Бу кўлёзма нусхалар бир томондан Бобир шеърий меросини бойитишга ёрдам берса, бошқа томондан маълум нусха ва нашрлардаги айрим текстологик фарқларга аниқлик киритишда кўл келади.

Хайдаробод девони 1188 хижрий (1774/75 мелодий) йили Жанобали Котибий томондан кўчирилган. Мазкур нусхадан хажман кичикроқ бўлган иккинчи кўлёзманинг котиби ва

кўчирилган йили хакидаги маълумотлар келтирилмаган.

1960 йили Туркияда нашр этилган Ислом тадқиқотлари институти каталогидан Бобир асарлари кўлёмасининг энг қадимги ва энг нодир нусхаси Эррида сакланаётганлиги ҳам маълум бўлдики, шоир ижоди и ўрганишда бу яна бир қувончли воқеадир. Каталог муаллифининг сўзига кўра, бу кўлёмза 931 (1524—25) хижрий йипи кўчирилган. Кўлёмза таркибига «Бобирнома», «Аруз рисоласи» асарлари ҳамда шоирнинг ўзбек тилида яратган шеърлари киритилган. Ўз навбатида, кўлёмза хуснихат ва китобат санъатининг энг юксак намунаси эканлиги ҳам каталогда қайд этилган.

Хиндистонга уюштирилган экспедиция натижалари шуни кўрсатдики, ўзбек классик шеърининг Хиндистондаги анъаналарини, у ерда яшаган шоирлар ижодини ўрганиш алоҳида тадқиқот доирасини ташкил этади. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда ўзбек адабиётшунослари, бошка соҳалардаги каби, Ўрта Осиё ва Хинд халқлари муштаракликда яратган бой маданий меросни ўрганиш, нашр этириш ишига катта эътибор бермоқдалар. Айниқса, XV—XVI асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон ва Хиёндкстони сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида катта роль ўйнаган Захириддин Муҳаммад Бобир ижодиёти таъсирида қалам тебратган шоирлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидандир. Бу шоирларнинг ўзига ҳос хусусиятларидан бири шундаки, улар хинд, форс-тожик ва ўзбек адабиёти анъаналарини ижодда мужассамлаштириш билан бир пайтда, ўзбек, хинд, урду, форс-тожик тилларида ҳам эркин ижод қилганлар.

Экспедиция давомида, Бобирнинг ўгли Қомрон Мирзо кўлёмза девони мавжудлиги аниқланди. 964 (1556) хижрий иили Махмуд бин Исҳоқ аш-Шаҳобий ал-Хиравий томонидан кўчирилган бу нусха Рампурдаги «Худобахш» кутубхонасининг энг мўътабар кўлёмзаларидан. У Қомрон Мирзонинг асосан, ўзбек ва форс-тожик тилларида яратган шеърларидан тузилган. Бу нусханинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, кўлёмза бошида ва охирида йигирмадан ортиқ давлат арбоблари муҳрлари босилган. Улар орасида Жаҳонгир Мирзо ва Шохжаҳон дастхатлари ҳам учрайди.

Қомрон Мирзо шеърлари бадий маҳорати, тилининг раво ва соддалиги, ажойиб лирик образларни ҳассослик билан ифодалаши жиҳатидан Бобир лирикасини эслатади. Унинг бутун меросида отаси — Бобир лирикасининг руҳи балкиб туради. Ана шу маънода Қомрон Мирзо Бобир лирикасидаги энг яхши анъаналарни давои эттирган, уни ҳам мазмун, ҳам бадий жиҳатда и бойитган санъаткор сифатида майдонга чиқади. Бобир ижодидан руҳланиб унинг шеърини анъаналарини давои эттирган шундай шоирлардан яна бири олим ва моҳир мутаржим Мирзо Али Бахт Азфарийдир. Иетедодли шоир Азфарий тарих-шунос ва тилшунос олим сифатида ҳам бизга улкан ме-рос қолдирган. Азфарий ўзбек адабиётининг Навоий каби улкан намояндалари ва уларнинг асарларидан руҳланиб китоблар яратган. У турли соҳаларга оид ўн бешдан ортиқ асарлар битган. Бу асарлар ўзбек адабиёти вакилларини Хиндистонда тарғиб этиш ишида ҳам алоҳида ўрин тутган. Азфарий туркий, форс ва урду тилларнда ёзган шеърларидан уч девон тузиб, «Воқиоти Азфарий», «Савонихоти Азфарий» тарихий биографик асарларини яратган,- «Фавод ал-мубтада», «Фарханги туркий», «Рисолаи қабрия» сингари тилшуносликка оид қигоблар ёзган; Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Бобирнинг «Аруз рисоласини форсчага ўгирган. Жумладан, Бобирнинг «Аруз рисоласияни у форс тилига ҳам назм, ҳам наср йўли билан ағдарган. «Аруззода» деб номланган бу таржималарнинг иккита нусхаси Хиндистон кўлёмза фондларида еакланади. Насрий нусхада Азфарий қуйидагиларни ҳабар қилади:

«Бинобарин, унинг «Арузи туркий» китобидан мунтахаб этиб, форс тилига таржима килдим, фарзанд ўз отасининг уйдан бирор нарса олиши мумкин, шунинг учун уни ўгри хисоблаб, айбга санамасинлар». Мадорас давлат Шарк кўлёмалари кутубхонасида сакланаётган шеърини таржима 1836 йили Махмудали Саид валади Хофиз Мухнюддин Хусайн томонидан кўчирилган. Асар мукаддимасида «Аруззода»нинг яратилиш сабаби ва тарихи куйидагича келтирилади:

«Энди меҳрибонлар ва дўстлар олдида (китоб — С. Х) ёзишининг сабабини айтгин. Хазрат Бобир асарларидан сирли «Аруз»нинг ушбу нусхасини кўрдим. Уни бутун фикрим билан берилиб ўқидим. Унда яхши тартиб билан ёзилган шеър илми бор бўлиб, у китоб турхийда эди. Камина туркийдан бахраманд эдим... форелар учун хам тушунарли бўлсин деб, уни кискартириб форсчалаштиришни лозим топдим... Ундан хамма керагини танлаб олдим ва шу хилда мухтасар бўлишини маъкул кўрдим. Бу нусха номини камина мослаб «Аруззода» деб кўйдим».

Азфарий ўз таржимасини Бобир «Арузийнинг фарзанди, яъни «Аруззода» деб атаиди. Бу билан Бобир ва унинг асарига бўлган чуқур хурматини таъкидлайди.

У Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-кулуб» асарини хам форс тилига ўгириб, улуг ўзбек шоири билан ўз ватанидаги адабий мухитни яқиндан таништирганидек, «Фарханги Азфарий», «Насаби турки», «Насаби туркийи чигатоий», «Мезони турхий» асарлариини яратиб, бу серкирра ижодкор ота-боболари тили ва грамматикасини ўрганишга даъват этди, унинг лугавий бойлигини намойиш килди.

Хайдарободдаги «Саларжанг» музейида деярли хар бетига гул ва кушларнинг расмлари солиниб, XVII аерда кўчирилган яна бир кўлёмма борки, у хам бизга халигача номаълум шоир Форикий каламига тегишлидир. Кўлёмма Форикийнинг ўзбек ва форс-тожик тилларида битилган шеърларини камрайди.

Форикий Хиндистонда Акбар ва Жахонгир еалтанати замонида, йирик давлат арбоби, мохир саркарда, олим ва адибларниинг буюк хомийси забардаст шоир ва мохир мутаржим Хони Хонон номи билан машхур Дбдурахимниинг шогирди бўлганлиги биёга манбалардан маълум. Аммо хозирча унинг хаёти ва ижодига оид бошка маълумотга эга эмасмиз.

Форикий газалларидан бирида ўз замонасида кадр топмаётганлигидан шундай зорланади:

Форикий гар бўлди беному нишон айб этмангиз,

Лавхи махфуз ичра хам ному нишоним йўқтурур.

Форикий Хиндистонда Бобир, Хумоюн, Байрамхон, Абдурахим Хони Хонон

анъаналарини давом эттириб, туркий тилдаги адабиёт ривожига улкан хисса кўшган бетакрор санъаткор шоир зханлиги унинг ижодидан яккол кўзга ташланиб туради.

Рампурдаги «Ризо» кутубхонасида сакланаётган девон оркали Дийда тахаллуси билан

ижод этган яна бир ўзбек шоири хакида хам кимматли маълумотга эга бўлдик. Дийда

девонига шоирнинг газаллар, рубоийлар ва катор фардлари киритилган. Афсуски,

кўлёмма тугалланмай колганлиги туфайли, унинг кўчирилиш тарихи хамда котиби

хакидаги маълумотлар сакланмаган. Аммо кўлёмма хати, беагаи ва айрим хусусиятларига караб, девонни XVII асрга мансуб деб тахмин килмок мумкиндир.

Алқисса, ана шу серкирра ва бой адабий мерос ўзбек-хинд адабий алокаларининг хам

кадим-кадимлардан ривожланиб келаётганлигини далиллайди. Куйида сиз Хиндистон

экепедициясидан келтирилган фотокопиялар асосида нашрга тайёрлаганимиз Комрон

Мирзо, Форикий, хамда Дийда шеърларидан намуналар ўқийсиз.

КОМРОН МИРЗО

Газаллар

Сендин айру хар замон кўнглум менинг гамнокрок,
Кўкрагим хажр илгидин пироханимдин чокрок.

Тиги мужгон тез отиб мастона боксанг, эй куёш,
Ханжаринг бепоку андин кўзларинг бепокр.

Бир назар бирла билиб дардимму даво айладинг,
Йўктурур хусн ахлида сендин киши даррокр.

Поклар кўнгли макомингдур мзгар каккоши сунъ,
Чекмади сурат бу сахфа Узросиндин покрок.

Комрон кулдур каду рафториигаким, йўктурур
Коматиингдин бог аро сарви сихий чолокр.

Назарда сеиму менинг хоб ё хаёлдурур,
Висол дееам агар андишаи махолдурур.

Не айшларки, тахайюл аро кўнгул килмас,
Магарки подшахи олам хаёлдурур.

Ул асру саркашу мен хам сановбар кадин,
Кўнгулни ҳеч узолмон гариби холдурур.

Чикиб улус аросидин канора тутаман
Ки кўнглум ичра улусдин баса малолдурур.

Магарки, белингу огзинг хадисин айтурлар,
Ки, хурдадонлар аро сарв кийлу колдурур.

Сориг юзума кизил ашҳдинки хат ёздим,
Бахори умр хазон бўлганига долдурур.

Юзунгда шохиди маънони жилаагар кўрдум,
Ажаб эмае десам ул меҳр безаволдурур.

Камол шеъру суханварлигимга тутти кулок,
Хўжанд мулкидаким сохиби камолдурур,

Гаҳёки холу хатин, Комрон, анинг кўрса,
Кўнгулни бой берур, кўзларини олдурур.

Маснавий

Эй, ўзини жох ила паст айлаган,
Химматин ул пояда паст айлаган,

Шуъбада чархка магрурсени,
Орки, мақсад соридин дурсен.

Химмат эмас улки, жахон олгасен,
Химмат эрур буки, борин солгасен.

Ким сабукбор эрур йўл аро,
Колмас ўшал бодияву чўл аро.

Кўрки, кулар барча халойик санга,
Нега керак мунча алойик санга!

Гўша тутуб ўзни халос айлагил,
Балки талаб кўйида хос айлагил.

Як талабу якдилу якхўй бўл,
Барча халойик била якрўй бўл.

То кўрдум ўшал чехрани хайрондурмен,
Ул зулф хааосида паришондурмен,
Хам огзининг асрорида нодондурмен,
Хам хуснининг авсофида Хасссндурмен.

* * *

Хажринг мени асру нотавон айлаптур,
Лаълинг хаваси ичимни кон айлаптур.
Беваргу наво айлагонинг(!) булбулдек,
Яфрог киби чехрамни хазон айлаптур.

ё бўлса муяссар кишига илм ила хол,
ё топса кишн салтанат авжида камол,
ё ошифта бўлса кўруб хусну жамол,
ё бўлса тамом ўзлугидин фориғбол.

Каддимни хам этган ул кади мавзундур,
Сабримни кам этган ул рухи гулгундур.
Кўнглум даги васлингни тилаб махзундур,
Лайлосену Комрон санга Мажнундур.

Найлаб санга дардимни аён килгумдур,
Не тил била холимни баён килгумдур.

На токати изхору на ихфо, ўзни
Бу тавр ила расвойи жахон килгумдур.

Гар уйкудамен, кўнгул хаёлинг била хуш,
Гар уйгок эсам, кўзум жамолинг била хуш,
Хаттинг бмла шодмону холинг била хуш,
Хажринг била гамноку висолинг била хуш.

Алқвм камо ямурру хатто лайло
Ким, гам туни Мажнундин ўтар бе Лайло,
Тун-кун будурур хажринг аро ахволим,
Юз нола фирокингдииу юз вовайло.

Дедимки, менга берди худо фарзанде,
Бўлди юрагим порасига пайваиде,
Хеч айгламадимки, чок этиб кўксумни,
Пурхун жигаримдин эрур парканде.

Ахбобка хуштурур рафик ўлса киши,
Имдод ила хомийи тарик ўлса киши,
Ислом элига жон била тарвиж килиб,
Бир-бирига бу беш кун шафик ўлса киши.

Китъалар

Ўрта бог ичра хужра солдим,
То манга бўлгай ул фарогатгох.
Хужраи хосим эрди, тарихин
«Хужрайи хоси мо», дедим ногох.

Токи гайр ўлди махрами хараме,
Мени махруми ул харам килди,
Мени, шохо, сипохи дарду гаминг,
Олам ахли аро алам килди.

Фардлар

Огриса мен телбадин жононим, эрмастур ажаб,
Ул базе нозук мизожу мен нихоят беадаб.

* * *

Лолаи хамро деган юзи эмиш, ёр-ёр,
Наргиси шахло деган кўзи эмиш, ёр-ёр.

* * *

Хар тараф найзаю килич кўпти
Ўйлаким найистон ичинда камиш.

ФОРИГИЙ

* * *

Ваҳки, хижрон илгидин бағрим тўла кондур яна,
Сочининг савдосидан холим паришондур яна.

Ул гули раънодин айру кечаю кундуз ишим
Андалиби хастадек фарёду афгондур яна.

То лаби лаълингдин айру туштум, эй, ороми жон,
Хаста кўнглум гунчадек сар дар гирибондур яна.

Бовужуди дарди ишкинг найлайн, дармон, нетай,
Чунки дардинг хар нафас, эй дўст, дармондур яна.

То тушубтур Форигий базми висолингдин йирок,
Хамнишини меҳнату андуху хижрондур яна.

Келки, сендин ўзга ёру меҳрибоним йўктурур,
Сенсиз, эй ороми жон, жисмимда жоним йўктурур.

Ишк кўйида нечаким маҳрами роз истадим,
Гамдин ўзга маҳрами рози нихоним йўктурур.

Ул гули раъно гамидин андалиби хастадек
Гулшане йўктурики фарёду фиғоним йўктурур.

Ишк кўйида балову меҳнату гамдин яна,
Ёри мушфику рафики меҳрибоним йўктурур.

Форигий гар бўлди беному нишон, айб этмангиз,
Лавҳи маҳфуз ичра хам ному нишоним йўктурур.

ДИЙДА

Бир парининг фуркатидин жисму жонга тушти ўт,
Аклу дину дил, тамоми хонумонга тушти ўт.

Барки оҳим шуъласидур кўкка етган хажрдин,
Бу шафак йўктурики, бордур осмонга тушти ўт.

Ишкдин хам хажридин куйдум, туташтум, эй улус,
Онча ўртандимки, оҳир бу жаҳонга тушти ўт.

Ишк йўлида матоим сабр эди жамъ айлаган,
Окибат оҳим ўтиндин карвонга тушти ўт.

Дийда, ул бир лола юзлиг мох пайкар фуркати,
Онча куйдурди сени, Хиндустонга тушти ўт.

САИДБЕК ХАСАН тайёрлаган